

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.05
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИНОВА НИГИНА АМИНОВНА

**БОЛАЛАРДА ПНЕВМОНИЯНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИНГ
МОРФОГЕНЕТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА КЛИНИК-
ДИАГНОСТИК ПРЕДИКТОРЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология
14.00.09-Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Аминова Нигина Аминовна

Болаларда пневмониянинг салбий оқибатларининг морфогенетик
характеристикаси ва клиник-диагностик предикторлари..... 3

Аминова Нигина Аминовна

Морфогенетическая характеристика и клинико-диагностические
предикторы неблагоприятных исходов пневмонии у детей 25

Aminova Nigina Aminovna

Morphogenetic characteristics and clinical-diagnostic predictors of adverse
outcomes of pneumonia in children..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of pulished works 53

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.05
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АМИНОВА НИГИНА АМИНОВНА

**БОЛАЛАРДА ПНЕВМОНИЯНИНГ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАРИНИНГ
МОРФОГЕНЕТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА КЛИНИК-
ДИАГНОСТИК ПРЕДИКТОРЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология
14.00.09-Педиатрия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарканд – 2026

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.PhD/Tib5797 рақам рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» (www.ziyonet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар

Хамидова Фарида Муиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Лим Максим Вячеславович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар

Қурбонов Саид Сафарович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Агзамова Шоира Абдусаломовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.05 рақамли бир марталик Илмий Кенгашнинг 2026 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: sammu@sammu.uz

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Г.Е. Тастанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.А. Ким

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Ф.С.Орипов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда болалар касалланиши ва ўлими таркибида ҳозирги вақтда шифохонадан ташқари пневмония етакчи ўринлардан бирини эгаллаб, болаларда нафас олиш тизимининг оғир юқумли шикастланишларининг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...2019 йилда пневмониядан беш ёшгача бўлган 740 180 нафар бола вафот этди, бу 5 ёшгача бўлган барча болалар ўлимининг 14 фоизини ташкил қилади...»¹. Илгари олиб борилган тадқиқотларнинг кўплигига қарамай, морфологик, молекуляр-генетик ва прогностик омилларни комплекс таҳлил қилмасдан, асосан касалликнинг алоҳида клиник-лаборатор ёки эпидемиологик жиҳатларига қаратилган бўлиб, бу юқори хавф гуруҳидаги болаларни эрта аниқлаш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди. Аксарият ишлар зотилжам оғирлигининг алоҳида кўрсаткичларини баҳолашга қаратилган бўлиб, ўпка тўқимасидаги структуравий ўзгаришлар ва оғир кечишга мойилликнинг генетик механизмларининг комплекс таҳлили етарлича ишлаб чиқилмаган. Бу борада болаларда зотилжамнинг салбий оқибатларини башоратлашда комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш долзарб илмий муаммонинг ечими ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли этиологияли соматик касалликларни олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш...»² вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, шифохонадан ташқари бронхопневмонияда юзага келадиган морфологик ва молекуляр-генетик тадқиқотлар асосида GSTT1 гени полиморфизмидаги ўзгаришларни аниқлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2018 йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2020 йил 12-ноябрдаги ПФ-6110-сон “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва Соғлиқни Сақлаш Тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари ва 2018 йил 4-декабрдаги ПҚ-4049-сон “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2019 йил 6-майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/pneumonia>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги» Фармони

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 12-ноябрдаги ПҚ-4891-сон “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2021 йил 25-майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни Сақлаш Соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги, 2021 йил 28-июлдаги ПҚ-5199-сон “Соғлиқни Сақлаш Соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда болаларда шифохонадан ташқари пневмонияни ташхислаш, даволаш ва прогнозлаш масалаларига бағишланган салмоқли илмий маълумотлар тўпланган бўлиб, бу унинг юқори клиник ва ижтимоий аҳамиятини таъкидлайди. Кўп марказли тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, болаларда пневмония кечишининг оғирлиги ва оқибати нафақат клиник кўринишлар, балки яллиғланиш жараёни ва ўпка функцияси бузилишининг оғирлигини акс эттирувчи лаборатория, инструментал ва морфологик ўзгаришлар йиғиндиси билан ҳам белгиланади. Касалликнинг клиник кечиш хусусиятлари ва салбий оқибат хавфи кўп жиҳатдан боланинг ёши, перинатал ва преморбид фон, тизимли яллиғланиш жавобининг табиати ва организмнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган, бу хорижий муаллифларнинг маълумотлари билан тасдиқланган (Williams D.J., 2020, Zeng X. et al. 2023, Yadav R. K. et.al. 2024).

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлили шуни кўрсатадики, болаларда зотилжамнинг оғир кечишини ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва прогнозлаш масалалари замонавий соғлиқни сақлашнинг долзарб ва тўлиқ ҳал этилмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бир қатор маҳаллий тадқиқотларда пневмониянинг асоратланган шакллариининг юқори частотаси, касалликнинг узок давом этиши, шунингдек, эрта ёшдаги болаларда интенсив терапияга бўлган эҳтиёжнинг сақланиб қолиши таъкидланади, бу преморбид фоннинг хусусиятлари, кеч касалхонага ётқизиш ва яллиғланиш жараёнининг оғирлиги билан боғлиқ (Шавази Н.М., 2020; Шамсиев Ф.М., 2022; Каримжонов И.А., 2020;). Стационар даволаниш муддатининг ошиши ва реанимация ва интенсив терапия бўлимларида даволанишни талаб қиладиган пневмониянинг оғир шакллари билан оғриган беморлар сонининг кўпайиши кузатилмоқда (Ибатова Ш.М., 2023; Ҳайдарова С.Х., 2020). Шу муносабат билан, шифохонадан ташқари пневмония билан касалланган болаларда шахсийлаштирилган диагностик ва прогностик ёндашувларни жорий этиш республика шароитида касаллик натижаларини яхшилаш учун истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Шу билан бирга, ўпка тўқимасидаги яллиғланиш жараёнларининг морфогенетик жиҳатлари, генетик омиллар ва морфологик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик, касалликнинг клиник кечиши ва морфологик ўзгаришлар ўртасидаги боғлиқлик тизимли равишда ўрганилмаган. Турли мамлакатларда GSTT1 ноль генотипининг частотасидаги нисбий фарқлар этник хусусиятларни ва уларнинг болалар пневмониясида салбий оқибатлар патогенезидаги ролини алоҳида ўрганиш зарурлигини таъкидлайди. Хусусан, мамлакатимизда болаларда пневмониянинг нохуш оқибатларини объектив прогнозлаш, даволаш тактикасини ўз вақтида танлаш ва оғир асоратларни олдини олиш учун GSTT1 ноль генотипини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Клиник-лаборатор кўрсаткичларни комплекс баҳолаш асосида диагностика ва даволаш тадбирларини индивидуаллаштириш тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш, касалликнинг асоратланган шакллари частотасини камайтириш ва прогнозни яхшилаш имконини беради, бу эса ушбу йўналишда комплекс тадқиқотлар ўтказишнинг долзарблигини оширади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат тиббиёт университетининг №5436 012400286-сонли илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ "Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш" мавзуси доирасида олиб борилди (2024–2028 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда зотилжамнинг салбий оқибатларининг морфогенетик тавсифи ва клиник-диагностик предикторларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда пневмониянинг салбий кечишида ўпка тўқимасининг морфологик хусусиятларини баҳолаш;

I ва II типдаги алвеолоцитлар, терминал бронхиолалар ва микроциркулятор ўзан элементларининг морфометрик параметрларини кийёсий баҳолаш ва уларнинг пневмония кечишига таъсирини аниқлаш;

болаларда пневмониянинг кечиши ва салбий оқибатининг шаклланишида GSTT1 гени полиморфизмининг прогностик аҳамиятини баҳолаш;

болаларда салбий оқибатли пневмонияда клиник-лаборатор ва инструментал мезонларни, шу жумладан нафас етишмовчилиги параметрларини, тизимли яллиғланиш реакцияси кўрсаткичларини баҳолаш;

морфогенетик ва клиник-лаборатор кўрсаткичларга асосланган болаларда пневмониянинг салбий оқибатлари ривожланиш хавфининг прогностик шкаласини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 274 нафар бемор ва соғлом болаларнинг стационар ва амбулатор карталари, шунингдек, шифохонадан ташқари пневмониядан вафот этган болаларнинг (51 ҳолат) аутопсия тадқиқотлари материаллари олинди.

Тадқиқотнинг предмети ШТП ташхисли болаларнинг стационар карталари - 254, соғлом болаларнинг амбулатор карталари - 20, беморларнинг веноз қони намуналари - 114 (GSTT1 генотиплаш учун, шундан 20 та соғлом

бола назорат), вафот этган болаларнинг аутопсия материаллари - 39 та ШТП ва 12 та назорат ҳолати.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда бронхопневмониядан вафот этган болалар ўпкасининг морфологик хусусиятларини баҳолашда морфологик, морфометрик усуллардан фойдаланилди, бундан ташқари беморларда молекуляр-генетик, клиник-анамнестик, рентгенологик ва статистик тадқиқот усуллари ўтказилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пневмонияда бронхиолалар даражасидаги обструктив ўзгаришларнинг патогенетик аҳамияти терминал бронхиолалар умумий майдонининг 1,21 мартага камайиши билан исботланган;

болаларда ўткир бронхопневмонияда I ва II типдаги алвеолоцитларнинг морфометрик ўзгаришлари газ алмашинуви самарадорлигининг пасайиши ва ўпка тўқимасида компенсатор-реституцион жараёнларнинг фаоллашиши билан бевосита боғлиқлиги аниқланган;

микроциркуляциянинг морфометрик аниқланган бузилишлари, жумладан артериолалар ва венулаларнинг 1,5 барабар кенгайиши, эндотелий шикастланиши, стазлар ва қон томир ўтказувчанлигининг ошиши пневмония патогенезининг кучайишида асосий рол ўйнаганлиги исботланган;

GSTT1 генининг делецион полиморфизми (GSTT1 NULL) болаларда пневмониянинг салбий оқибатларининг муҳим генетик предиктори бўлиб, касалликнинг ушбу оқибатларида сезиларли даражада кўпроқ аниқланиши исботланган ($p < 0,001$; OR=3,38);

рентгенологик ўзгаришлар, юқори яллиғланиш фаоллиги маркерлари (лейкоцитлар $> 15 \times 10^9/\text{л}$, С-реактив оқсил $> 45 \text{ мг/л}$, прокальцитонин $> 5 \text{ нг/мл}$, ферритин $> 250 \text{ нг/мл}$) ва генетик омил GSTT1 (NULL) пневмониянинг салбий оқибат хавфини баҳолашда юқори прогностик аҳамиятга эга эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижалари болаларда ўткир бронхопневмониянинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини аниқ кўрсатиб, касаллик оғирлашувини баҳолаш ва ишончли морфологик маркерлар орқали хавф гуруҳларини аниқлаш имконини беради. Терминал бронхиолалар ва альвеолоцитларнинг морфометрияси нафас йўлларидаги обструкция ва газ алмашинуви сусайишига олиб келувчи муҳим мезонлари аниқланди.

Микроциркулятор ўзгаришларнинг таҳлили пневмониянинг оғирлашувини тушуниш ва интенсив терапия стратегиясини танлашда аҳамиятлидир. Шу билан бирга, аэрогематик барьернинг бузилиши ҳақидаги маълумотлар нафас етишмовчилиги даражасини прогноз қилиш ва терапия турини тўғри танлашда амалий қўлланмани таъминлайди. Олинган натижалар персоналлаштирилган терапия моделларини ишлаб чиқишга асос бўлади. Ўпкадаги яллиғланишни мунтазам мониторинг қилиш ва ўз вақтида даволаш жиддий асоратларни ривожланишига тўсқинлик қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда назарий ёндашувлар ва усулларни қўллаш, тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, материалнинг мос равишда танланиши, фойдаланилаётган усулларнинг замонавийлиги билан

тасдиқланган ёруғлик микроскопи, морфометрик, клинико-анамнестик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шифохонадан ташқари бронхопневмониядан вафот этган бемор болалар ўпкасининг морфологик хусусиятларини баҳолашда морфологик, морфометрик усуллардан фойдаланиш ва GSTT1 гени полиморфизмининг функционал механизмларини (нулл) аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда шифохонадан ташқари ўткир бронхопневмония кечиши давомида ўпка тўқималарида юзага келадиган патологик ўзгаришларнинг морфологик, замонавий гистокимёвий, лаборатория тадқиқотларини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда беморлар венوز қонида GSTT1 генининг (null) мутацияси натижасида олинган илмий натижаларга кўра:

биринчи илмий янгилик: пневмонияда бронхиолалар даражасидаги обструктив ўзгаришларнинг патогенетик аҳамияти терминал бронхиолалар умумий майдонининг 1,21 барабар камайиши билан тасдиқлангани ҳақидаги маълумотлар «Болаларда шифохонадан ташқари пневмонияни комплекс морфологик, молекуляр-генетик ва клиник-лаборатор текшириш усуллари» номли услубий тавсияномалари таркибига киритилган. Мазкур тавсиянома Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 30 августдаги 1-сонли кенгаш қарори билан тасдиқланган. Бу таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўлимларида 14.10.2025 йил №59-SH-сонли, Самарқанд вилоят Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси 13.12.2025 йил №05/442 буйруғи билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2026 йил 12 январдаги 1-сонли №01/10 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тавсия этилган услуб болаларда пневмониянинг патогенетик аҳамиятини тасдиқланган ўрни ва аҳамияти орқали касалликни ташхислашда морфолог ва педиатрларга самарали ташхислаш ва даволаш тактикасини танлаш имкони берган. Иқтисодий самарадорлиги. Болаларда пневмонияни ташхислашда гистокимёвий усулдан фойдаланиш 1 та ташхис учун бюджет маблағлари ҳисобидан 118000 сўмни тежаш, шунингдек, яқин қариндошларининг беморларни парвариш қилишда бир куни кўшимча равишда бюджет маблағлари ҳисобидан 150000 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: болаларда ўткир бронхопневмонияда I ва II типдаги алвеолоцитларнинг морфометрик ўзгаришлари газ алмашинуви самарадорлигининг пасайиши ва ўпка тўқимасида компенсатор-реституцион жараёнларнинг фаоллашиши билан бевосита боғлиқлиги аниқланганлиги тўғрисидаги маълумотлар «Болаларда шифохонадан ташқари пневмонияни комплекс морфологик, молекуляр-генетик ва клиник-лаборатор текшириш усуллари» номли услубий тавсияномалари таркибига киритилган. Мазкур тавсиянома Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 30 августдаги 1-сонли кенгаш қарори билан тасдиқланган. Бу таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўлимларида 14.10.2025 йил №59-SH-сонли, Самарқанд вилоят Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси 13.12.2025 йил

№05/442 буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 12 январдаги 1-сонли №01/10 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги тавсия этилган услубларнинг педиатрия ва патологик анатомия амалиётига жорий этилиши натижасида ўткир бронхопневмония касаллигидан вафот этган болаларнинг ўпка тўқимаси морфологик ўзгаришларининг патологоанатомик текширувларига доир хулосаларининг сифати оширилган, уларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги тахминлангани ҳамда педиатр шифокорларга самарали даволаш тактикасини танлаш имкони берган. Иқтисодий самарадорлиги. Болаларда пневмонияни ташхислашда гистокимёвий усулдан фойдаланиш 1 та ташхис учун бюджет маблағлари ҳисобидан 118000 сўмни тежаш, шунингдек, яқин қариндошларининг беморларни парвариш қилишда бир куни қўшимча равишда бюджет маблағлари ҳисобидан 150000 сўм иқтисод қилиш имконини берди.

учинчи илмий янгилик: морфометрик жиҳатдан аниқланган микроциркуляция бузилишлари, шу жумладан артериолалар ва венулаларнинг 1,5 барабар кенгайиши, эндотелийнинг шикастланиши, стазлар ва қон томир ўтказувчанлигининг ошиши пневмония патогенезининг оғирлашишида асосий рол ўйнашини исботланганлиги тўғрисидаги маълумотлар «Болаларда шифохонадан ташқари пневмонияни комплекс морфологик, молекуляр-генетик ва клиник-лаборатор текшириш усуллари» номли услубий тавсияномалари деб номланган услубий тавсияномалар таркибига киритилган. Мазкур тавсияномалар Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 30 августдаги 1-сонли кенгаш қарори билан тасдиқланган. Бу таклиф Сурхондарё вилояти патологик анатомия бюроси бўлимларида 14.10.2025 йил №59-ШН -сонли буйруғи билан, Самарқанд вилоят Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси 13.12.2025 йил №05/442 буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 12 январдаги 1-сонли №01/10 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: таклиф этилган ташхислаш тактикаси морфометрик жиҳатдан аниқланган микроциркуляция бузилишлари, шу жумладан артериолалар ва венулаларнинг 1,5 барабар кенгайиши, эндотелийнинг шикастланиши, стазлар ва қон томир ўтказувчанлигининг ошиши пневмония патогенезининг оғирлашишида асосий рол ўйнашини, аниқланган ўрни ва аҳамияти орқали касалликни ташхислаш ҳамда педиатр шифокорларга самарали даволаш тактикасини танлаш имкони берган. Иқтисодий самарадорлиги. морфометрик жиҳатдан аниқланган микроциркуляция бузилишлари, шу жумладан артериолалар ва венулаларнинг 1,5 барабар кенгайиши, эндотелийнинг шикастланиши, стазлар ва қон томир ўтказувчанлигининг ошиши пневмония патогенезининг оғирлашишида асосий рол ўйнашини кўрсатиб, 1380000 сўм бюджетдан ташқари харажатларни тежаш мумкин.

тўртинчи илмий янгилик: GSTT1 (GSTT1 null) генининг делесион полиморфизми болаларда пневмониянинг салбий оқибатининг муҳим генетик предиктори бўлиб, касалликнинг ушбу оқибатларида сезиларли даражада кўпроқ аниқланиши исботланганлиги ($p < 0,001$; $OR = 3,38$) тўғрисидаги маълумотлар «Болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг нохуш оқибатларини

башорат қилиш усули» ва «Болаларда шифохонадан ташқари пневмонияни комплекс морфологик, молекуляр-генетик ва клиник -лаборатор текшириш усуллари» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур тавсиянома Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 30 августдаги 1-сонли ва 2025 йил 26 ноябрдаги 4-сонли кенгаш қарори билан тасдиқланган. Бу таклиф Самарқанд вилоят Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси 13.12.2025 йил №05/442 буйруғи билан ҳамда Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази патологик анатомия бўлимига 09.12.2025 йил №448-У буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 12 январдаги 1-сонли №01/10 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: тадқиқотда GSTT1 (GSTT1 null) генининг делецион полиморфизми болаларда пневмониянинг салбий оқибатининг муҳим генетик предиктори бўлиб, касалликнинг ушбу оқибатларида сезиларли даражада кўпроқ аниқланиши исботланган ($p < 0,001$; OR=3,38) ҳақидаги маълумотларни исботлайди. Иқтисодий самарадорлиги. GSTT1 генининг делецион полиморфизми (GSTT1 null) болаларда пневмониянинг салбий оқибати учун ишончли генетик предиктор ҳисобланиб, ушбу прогностик мезондан амалиётда фойдаланиш касалликнинг оғир кечиш эҳтимолини олдиндан баҳолаш, мақсадли терапияни эрта бошлаш ва асоратларнинг олдини олиш имкониятини яратди. Бунда бир нафар беморга тўғри келадиган ташхис ва даволаш харажатларидан ўртача 400000 сўм бюджет тежами таъминланди, бу эса ушбу технологиянинг юқори клиник ва иқтисодий самарадорлигини тасдиқлайди.

бешинчи илмий янгилик: рентгенологик ўзгаришлар, юқори яллиғланиш фаоллиги маркерлари (лейкоцитлар $>15 \times 10^9/\text{л}$, С-реактив оқсил $>45 \text{ мг/л}$, прокальцитонин $>5 \text{ нг/мл}$, ферритин $>250 \text{ нг/мл}$) ҳамда генетик омил GSTT1 (NULL) кўрсаткичларига асосан беморларни паст, ўрта ва юқори хавф гуруҳларига ишончли стратификациясини таъминлаши аниқланди. Ушбу шкалани қўллаш салбий оқибат эҳтимолини эрта аниқлаш имконини бериши ва касаллик кечишини прогнозлаш аниқлигини оширишга ёрдам бериши исботланганлиги тўғрисидаги маълумотлар «Болаларда шифохонадан ташқари пневмониянинг нохуш оқибатларини башорат қилиш усули» ва «Болаларда шифохонадан ташқари пневмонияни комплекс морфологик, молекуляр-генетик ва клиник-лаборатор текшириш усуллари» номли услубий тавсияномалари деб номланган услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур тавсиянома Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2025-йил 30 августдаги 1-сонли ва 2025 йил 26 ноябрдаги 4-сонли кенгаш қарори билан тасдиқланган. Бу таклиф Самарқанд вилоят Пастдарғом тумани тиббиёт бирлашмаси 13.12.2025 йил №05/442 буйруғи билан ҳамда Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази патологик анатомия бўлимига 09.12.2025 йил №448-У буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2026 йил 12 январдаги 1-сонли № 01/10 хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: рентгенологик ўзгаришлар, юқори яллиғланиш фаоллиги маркерлари (лейкоцитлар $>15 \times 10^9/\text{л}$, С-реактив оқсил $>45 \text{ мг/л}$, прокальцитонин $>5 \text{ нг/мл}$, ферритин $>250 \text{ нг/мл}$) ҳамда генетик омил GSTT1 (NULL) кўрсаткичларига асосан беморларни паст, ўрта ва юқори хавф

гуруҳларига ишончли стратификациясини таъминлаши аниқланди. Ушбу шкалани қўллаш салбий оқибат эҳтимолини эрта аниқлаш имконини бериши ва касаллик кечишини прогнозлаш аниқлигини оширишга ёрдам бериши тўғрисидаги маълумотларни исботлайди. Иқтисодий самарадорлиги: тавсия этилган диагностика усули ёрдамида пневмониянинг оғир кечиши башорат қилинади, даволаш тадбирлари эрта бошланади ва реанимацияга ётқизиш эҳтиёжи камаяди. Шу боис шифохонада даволаниш муддатлари қисқартирилиб, асоратларнинг олди олинади. Бу эса давлат бюджетига 2240000 сўм иқтисод қилинишини таъминлайди.

Н.А. Аминованинг "Болаларда пневмониянинг салбий оқибатларининг морфогенетик характеристикаси ва клиник-диагностик предикторлари" мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 5 та илмий янгилик ва 2 та амалий тавсия бошқа тиббиёт муассасаларида жорий этиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган (Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2026 йил 12-январдаги 01/10-сон маълумотномаси)

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та Республика ва 1 Scopus базасидаги журналда нашр этилган ҳамда 1 ихтиро патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болаларда пневмониянинг замонавий тушунчалари”** деб номланган **биринчи бобида** болаларда пневмониянинг тарқалиши ва касалланиш ҳамда ўлим кўрсаткичлари таркибидаги аҳамияти, салбий оқибатли пневмониянинг клиник-диагностик тавсифи, салбий оқибатли пневмония прогнозида ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашнинг аҳамияти ҳамда клиник амалиётда қўллаш учун прогнозлашнинг математик моделини ишлаб чиқиш истикболлари ҳақидаги, ва пневмониянинг салбий оқибатлари

учун генетик хавф омиллари (GSTT1 гени полиморфизмига эътибор қаратиш) замонавий адабиёт шарҳи келтирилган. Бундан ташқари, шифохонадан ташқари бронхопневмонияларнинг учраш даражаси, этиологик омиллари, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари, ушбу патологияларда ўпкада кузатиладиган ўзгаришларни структуравий компонентлари, морфофункционал ва клинко - морфологик хусусиятлари тўғрисида илмий маълумотлар келтирилган. Ишда келтирилган барча адабиёт маълумотлари умумлаштирилган, тизимланган ва таҳлил қилинган. Кейинги ечимларни талаб қиладиган долзарб масалалар кўриб чиқилган ва адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу ҳолат бўйича ҳал қилинмаган муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг “Клиник гуруҳлар ва ўрганиш методикаси” номли **иккинчи бобда** ўрганилган клиник ва аутопсион материаллар ҳамда тадқиқот усуллариининг умумий тавсифи берилган. Диссертация иши Самарқанд давлат тиббиёт университетида олиб борилган. Тадқиқотда кузатув гуруҳлар тақсимланиши 1 – жадвалда келтирилган.

Жадвал 1.

Тадқиқот материаллари ва методлари

	I Гуруҳ	II Гуруҳ	III Гуруҳ	Назорат	Жами
Клинико-анамнестик текширув	81	173	-	-	254
Молекуляр-генетик текширув	32	84	-	20	126
Аутопсион текширув	-	-	39	12	51

Барча кузатув гуруҳларидаги объектлар ва объектларни ўрганиш учун умумий клиник, рентгенологик, анамнестик, клиник-лаборатория ва махсус: молекуляр-генетик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

GSTT1 генининг (null) делецион полиморфизмини аниқлаш ПЗР усули билан амалга оширилди. ДНК «NK-MAGNIT» реагентлар тўплами (Litex, Россия) ёрдамида бутун қондан ажратиб олинди. ПЗР шароитлари: дастлабки қиздириш 95°C - 3 дақ.; денатурация 94°C - 30 сон.; праймерлар юмшаши 56°C - 30 сон.; элонгация 72°C - 1 дақ. (33 цикл); якуновчи элонгация 72°C - 3 дақ. Ички назорат - СҮРЗА5*3 цитохромининг амплификон (196 п.н.). Натижалар: икки амплификон (196 + 459 п.н.) - ижобий; битта (196 п.н.) - null генотип.

Аутопсион материаллар морфологик текшириш учун ўпка тўқимаси бўлакчалари 10%-ли формалинда ва концентрацияси кўтарилиб борувчи спиртларда қотирилди, сўнг парафинга қуйилди. Парафинли блокчалар 5-7 мкм қалинликда кесилди. Кесмалар ўпка тўқимаси умумий тузилишини баҳолаш учун гематоксилин-эозин (ГЭ)да, коллаген толалар, қон томирлар девори ҳолатини ўрганиш учун Ван-Гизон (ВГ) усулида, фибрин чўкмалари ва бириктирувчи тўқимани аниқлаш учун Массон (М) усулида ва эластик толалар ҳолатини ўрганиш учун Вейгерт (В) усулида бўялди.

Гистоморфометрик таҳлиллар Olympus микроскопи ва сканерга уланган NDP.VIEW2.0 ва QuPath 0.5.0 дастурлари орқали амалга оширилди. Морфометрик алвеолоцитлар ядро ва цитоплазма майдони (мкм²), ядро-цитоплазматик нисбат (ЯЦН), терминал бронхиолалар умумий майдони (мкм²), артериолалар ва венулалар кесим майдони (мкм²) кўрсаткичлари ўлчанди. Ҳар бир кўриш майдонида камида 20 та объект таҳлил қилинди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда замонавий вариацион статистика усулларида фойдаланилган. Микдорий кўрсаткичларнинг тақсимланишини баҳолаш учун Шапиро-Уилк мезонидан фойдаланилди. Маълумотларнинг нормал тақсимотида гуруҳлар ўртасидаги ўртача қийматларни таққослаш Стъюдентнинг t-мезони ёрдамида, нормал бўлмаган тақсимотда эса Манн-Уитни нопараметрик U-мезони ёрдамида амалга оширилди. Категориал белгилар таҳлили Пирсоннинг χ^2 мезони ёрдамида амалга оширилди. Микдорий кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш учун корреляцион таҳлил қўлланилди. Хавф омиллари ассоциациясининг кучини баҳолаш мақсадида имкониятлар нисбати (ОР) ҳисоблаб чиқилди. Статистик аҳамиятлилиқ даражаси $p < 0,05$ га тенг деб қабул қилинди.


Диссертациянинг учинчи боби "Болаларда салбий оқибатли пневмонияларда фенотипик ва генетик тавсифи" деб номланган. Ушбу бобда салбий якунланган зотилжам билан касалланган болаларнинг фенотипик ва генетик хусусиятлари кўриб чиқилган. 3.1-бобчасида "Болаларда салбий оқибатли пневмонияларда фенотипик намоён бўлиш хусусиятлари" келтирилган.

Клиник-демографик маълумотларни таққослашда (1- расм) пневмония билан касалланган болаларнинг жинси ва ёши касалликнинг натижасига қараб фарқ қилиши аниқланди. Салбий натижа қайд этилган гуруҳда ўғил болалар улуши сезиларли даражада юқори бўлиб, умумий соннинг учдан икки қисмини ташкил этди. Имкониятлар нисбатини ($OR = 1,76$) ҳисоблаш шуни кўрсатдики, ўғил болаларда салбий натижа хавфи қизларга қараганда деярли икки баравар юқори. Ёш тузилиши ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. I гуруҳда кўкрак ёшидаги болалар устунлик қилди, улар 70% дан ортиқ эди, II гуруҳда эса - ярмидан сал кўпроқ. Катта ёшдаги кичик гуруҳларда (айниқса, 4-6 ёш) вазият аксинча: бу ёшдаги болалар кўпинча салбий натижаларсиз гуруҳга киритилган, бу эса имкониятлар нисбатининг паст қийматида ва асоратли кечиш хавфининг кескин пасайишида акс этган. Яшаш жойи билан боғлиқ манзара ҳам қизиқарли кўринади. салбий оқибатли болаларнинг аксарияти қишлоқ жойларида яшаган, I гуруҳдаги қишлоқ аҳолисининг улуши ижобий оқибатли болаларга қараганда анча юқори бўлган. Қишлоқ манзили учун имкониятлар нисбати 2 дан ошди, бу эса қишлоқ жойда яшашни салбий оқибат хавфи юқори бўлган омил сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

1- кузатув гуруҳида ретроспектив ва проспектив текширишлар 254 та бемор болаларда текширилган бўлиб, бу болаларнинг ёши 1 ойликдан -16 ёшга ташкил этди. Бу гуруҳ 2та гуруҳчага бўлиниб ўрганилди. I гуруҳчадаги беморлар (81 та бемор) орасида ўғил болалар устунлик қилди - 66,7%, бу II гуруҳдаги (173 та бемор) тегишли кўрсаткичдан статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошди ($53,2\%$; $\chi^2 = 4,11$; $p < 0,05$).

2- кузатув гуруҳида соғлом болалар ташкил этиб 20-та соғлом болалар киритилди. Улардан 10-та ўғил бола ($50,0\%$) ва 10 та қиз болаларни ($50,0\%$) ташкил этди.

3- гуруҳга шифохонадан ташқари бронхопневмониянинг оғир кечишидан вафот этган бемор болаларнинг аутопсион текширувлари (39 та ҳолат ва 12 та назорат) гуруҳидаги нафас аъзоларидан ташқари бошқа касалликлардан вафот этган болалар ўпкаси булакчаларидан фойдаланилди.



Расм 1. Текширилган беморларнинг асосий тавсифи

2-жадвалда гематологик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлилида иккала гуруҳ беморларида эритроцитлар ва гемоглобин даражаси деярли бир хил эканлиги аниқланди. Энг аниқ фарқлар яллиғланишнинг биокимёвий маркерлари орасида аниқланди. Биринчи гуруҳда СРО даражаси 47,32 мг/л, иккинчисида 21,39 мг/л га етади. Фарқларнинг аҳамияти максимал ($p < 0,001$), бу яллиғланиш фаоллигининг кескин ошганлигидан далолат беради. Прокальцитонин концентрацияси янада контрастлироқ кўринади. 1- гуруҳда у 5,36 нг/мл га тенг, бу иккинчи гуруҳ қийматидан сезиларли даражада юқори (1,79 нг/мл). Статистик маълумотлар фарқларнинг ишончлилигини тасдиқлайди, $p < 0,001$. Ферритин ҳам худди шундай тенденцияга эга. 1- гуруҳда унинг даражаси 257,91 нг/мл, иккинчисида эса 126,43 нг/мл ни ташкил қилади. Фарқлар юқори аҳамиятга эга ($p < 0,001$), бу пневмониянинг салбий кечиши бўлган болаларда юқори интенсивликдаги тизимли яллиғланишни қўшимча равишда тасдиқлайди.

2-жадвал

Қабул пайтида I-II гуруҳ беморларида умумий қон таҳлили ва яллиғланиш реакциясининг асосий кўрсаткичлари тавсифи

№	Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=81)		II гуруҳ (n=173)		P
		М	m	М	m	
1	Эритроцитлар ($\times 10^{12}/л$)	4,80	0,06	4,85	0,03	$>0,2$
2	Hb (г/л)	100,99	1,27	101,87	0,93	$>0,5$
3	Лейкоцитлар ($\times 10^9/л$)	15,89	0,40	15,36	0,29	$>0,2$
4	Нейтрофиллар ($\times 10^9/л$)	10,05	0,12	8,95	0,09	$<0,001$
5	Таёкча ядроли (%)	15,04	0,20	9,99	0,13	$<0,001$
6	Сегментядроли (%)	59,03	0,50	58,92	0,36	$>0,5$
7	Лимфоцитлар (%)	31,01	0,34	31,00	0,20	$>0,5$
8	Моноцитлар (%)	3,11	0,07	2,87	0,04	$<0,01$
9	Эозинофиллар (%)	1,11	0,02	1,17	0,02	$<0,05$
10	ЭЧТ (мм/час)	29,09	0,65	26,83	0,46	$<0,01$
11	СРО (мг/л)	47,32	0,62	21,39	0,46	$<0,001$
12	Прокальцитонин (нг/мл)	5,36	0,19	1,79	0,05	$<0,001$
13	Ферритин (нг/мл)	257,91	3,89	126,43	2,30	$<0,001$

Изоҳ: P - Пирсоннинг χ^2 мезонига кўра фарқларнинг ишончлилиги

GSTT1 гени полиморфизмларининг тақсимланишининг қийёсий таҳлили (3-жадвал) гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни аниқлади, бу эса ушбу геннинг болаларда пневмониянинг салбий кечиши шаклланишида маълум роль ўйнашини тахмин қилиш имконини беради. Иккинчи гуруҳда GSTT1 функционал аллелининг частотаси 84,3% ни ташкил этган бўлса, биринчи гуруҳда у сезиларли даражада паст бўлиб, 61,3% ни ташкил этди. Фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиб, $P < 0,001$ да $\chi^2 = 13,11$ эканлиги тасдиқланди. $OR = 0,30$ кўрсаткичи салбий клиник оқибатли болаларда GSTT1 аллели мавжудлиги эҳтимолининг пасайишини кўрсатади. GSTT1 (NUL) деб номланган геннинг делецион варианты қарама-қарши тақсимланишни кўрсатади. Унинг частотаси биринчи гуруҳда 38,7% га етди, иккинчи гуруҳда эса бу вариант фақат 15,7% болаларда учради. Фарқларнинг статистик аҳамияти ҳам худди шундай юқори ($\chi^2 = 13,11$; $p < 0,001$) ва $OR = 3,38$ пневмониянинг салбий оқибати бўлган беморлар орасида GSTT1 (NUL) ни аниқлаш эҳтимолининг уч барабардан кўпроқ ошишини кўрсатади. Генотипик вариантлар ҳам худди шу тенденцияни акс эттиради. GSTT1/GSTT1 функционал генотипи асосан иккинчи гуруҳ болаларида қайд этилган, бу ушбу гуруҳдаги функционал аллелнинг юқори улуши билан мос келади. Аксинча, GSTT1 (NUL) /GSTT1 (NUL) гомозиготали делетсион генотипи биринчи гуруҳ беморлари орасида деярли икки барабар кўп кузатилди, бу геннинг тўлиқ йўқлиги касалликнинг оғир кечиши билан потенциал боғлиқлигини тасдиқлайди.

3-жадвал

I и II гуруҳларда GSTT1 гени полиморфизми

№	Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=31)		II гуруҳ (n=83)		χ^2	P	OR
		абс.	%	абс.	%			
1	GSTT1 Аллели	38	61,3	140	84,3	13,11	<0,001	0,30
2	GSTT1 (NUL) Аллели	24	38,7	26	15,7	13,11	<0,001	3,38
3	GSTT1/ GSTT1	19	61,3	70	84,3	6,56	<0,01	0,30
4	GSTT1(NUL)/ GSTT1(NUL)	12	38,7	13	15,7	6,56	<0,01	3,38

Изоҳ: P - Пирсоннинг χ^2 мезонига кўра фарқларнинг ишончлиги

Асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида GSTT1 гени полиморфизмларининг тақсимланишини таққослаш сезиларли ва статистик жиҳатдан тасдиқланган фарқларни аниқлади (4-жадвал). GSTT1 функционал аллели соғлом болаларда сезиларли даражада кўпроқ учради, бу ерда унинг частотаси 89,5% га етди, пневмониянинг салбий кечиши бўлган беморлар орасида эса у фақат 61,3% ҳолларда аниқланди. Фарқлар юқори аҳамиятга эга, бу $p < 0,01$ да $\chi^2 = 9,28$ билан тасдиқланади. $OR = 0,19$ қиймат биринчи гуруҳ беморларида функционал аллел мавжудлиги эҳтимолининг сезиларли даражада пасайишини кўрсатади. GSTT1 нинг делецион варианты (NUL) асосий гуруҳда 38,7% ҳолларда ва соғлом болалар орасида атиги 10,5% да учрайди. $p < 0,01$ ва $OR = 5,37$ да $\chi^2 = 9,28$ пневмониянинг салбий кечиши бўлган беморларда NULL-аллелни аниқлаш эҳтимолининг беш барабардан кўпроқ ошишини кўрсатади. Ушбу натижа геннинг фаол нусхаси йўқлигининг касалликнинг асоратли кечиш хавфи билан

сезиларли боғлиқлигини таъкидлайди. Генотипик тузилиш аллел фарқларни тўлиқ акс эттиради. GSTT1/GSTT1 функционал генотиби назорат гуруҳининг 89,5% ва асосий гуруҳнинг 61,3% болаларида учради. Фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли, $\chi^2=4,64$ $P<0,05$, бу сақланиб қолган геннинг ҳимоя хусусиятини тасдиқлайди. GSTT1 (NUL) /GSTT1 (NUL) генотиби учун қарама-қарши тенденция кузатилади. У биринчи гуруҳдаги беморларнинг 38,7% да ва назорат гуруҳидаги болаларнинг 10,5% да қайд этилган. $p<0,05$ ва $OR=5,37$ да $\chi^2=4,64$ геннинг гомозигот делетсиясининг салбий клиник натижа билан кучли боғлиқлигини тасдиқлайди.

Прогностик хавф шкаласини яратиш клиницистга беморларни хавф даражасига кўра таснифлаш, маршрутлашни оптималлаштириш, кузатувни кучайтириш ва эрта босқичда энг асосли даволаш тактикасини танлаш имконини беради.

4-Жадвал

I ва назорат гуруҳларида GSTT1 гени полиморфизмининг қиёсий тавсифи

№	Кўрсаткичлар	I гуруҳ (n=31)		Назорат гуруҳ (n=19)		χ^2	P	OR
		абс.	%	абс.	%			
1	GSTT1 Аллели	38	61,3	34	89,5	9,28	<0,01	0,19
2	GSTT1 (NUL) Аллели	24	38,7	4	10,5	9,28	<0,01	5,37
3	GSTT1/ GSTT1	19	61,3	17	89,5	4,64	<0,05	0,19
4	GSTT1(NUL)/ GSTT1(NUL)	12	38,7	2	10,5	4,64	<0,05	5,37

Изоҳ: P - Пирсоннинг χ^2 мезонига кўра фарқларнинг ишончлилиги

5-жадвал

Болаларда пневмониянинг ноҳуш оқибати ривожланиш хавфи шкаласи

ШТП салбий оқибатининг предиктори	I группа (n=81) абс.; %	II группа (n=173) абс.; %	OR	III min (95%)	III max (95%)	Балл
Гестация <37 ҳафта	47; 58,0%	25; 14,4%	8,18	4,44	15,09	3
Туғилгандаги тана вазни <2500	54; 66,7%	27; 15,6%	10,81	5,83	20,07	4
Сунъий овқатлантириш	39; 48,1%	36; 20,8%	3,53	2,00	6,25	2
Оксил-энергетик етишмовчилик	23; 28,4%	15; 8,7%	4,18	2,04	8,55	2
Пневмония билан такрорий касалхонага ётқизиш	12; 14,8%	8; 4,6%	3,59	1,40	9,16	2
Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида ўтказилган ўРИ	29; 35,8%	18; 10,4%	4,80	2,47	9,35	2
Икки томонлама пневмониянинг рентгенологик белгилари	43; 53,1%	38; 21,9%	4,02	2,28	7,08	2
Ферритин > 250 ng/mL	52; 64,2%	74; 42,8%	2,40	1,39	4,14	1
СРО > 45 mg/l	63; 77,8%	79; 45,7%	4,16	2,28	7,61	2
ПКТ > 5 ng/ml	60; 74,1%	72; 41,6%	4,01	2,24	7,17	2
GSTT1 null генининг аниқланиши (I гуруҳ., n=31; II гуруҳ., n=83)	12; 38,7%	13; 15,7%	3,38	1,34	8,66	2

Ушбу бобда клиник-лаборатор таҳлил натижалари, рентгенологик маълумотлар ва тадқиқотга жалб қилинган болаларнинг генетик хусусиятлари асосида ишлаб чиқилган хавф шкаласи тақдим этилган. Шкаладан фойдаланиш учун шкаладаги санаб ўтилган 11 та омилнинг ҳар бири баҳоланади (5-жадвал), белги мавжуд бўлганда - тегишли балл берилади. OR қиймати бўйича баллар аниқланди: OR 1,01-3,0 = 1 балл; OR 3,01-7,0 = 2 балл; OR 7,01-10,0 = 3 балл; OR $\geq 10,0$ = 4 балл. Олинган баллар жамланиб, болаларда зотилжамнинг нохуш оқибатини ривожланиш хавфи тўғрисида хулоса шакллантирилади ҳамда 6-жадвалга мувофиқ беморларни олиб бориш бўйича тавсиялар берилади.

6-жадвал

Шкала интерпретацияси

ПК	Хулоса
0-5 балл	Пневмониянинг салбий оқибати ривожланиш хавфи паст, қўшимча даволаш-диагностика чоралари талаб қилинмайди,
6-10 балл	Пневмониянинг салбий оқибати ривожланишининг ўртача хавфи, қўшимча даволаш-ташхислаш чоралари талаб қилинмайди, амбулатор даволаниш
11-15 балл	Пневмониянинг салбий оқибати ривожланиш хавфи юқори, ихтисослаштирилган муассасанинг пульмонология бўлимида чуқурлаштирилган текширувдан ўтиш зарур.
>15 балл	Пневмониянинг салбий оқибати, шу жумладан оғир кечиши хавфи жуда юқори бўлиб, ихтисослаштирилган муассасада РИТБда даволаниш зарур.


Шундай қилиб, шкала болаларда пневмониянинг оғир ва салбий оқибатлари хавфини баҳолаш имконини беради. Унинг соддалиги ва арзонлиги соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида ҳам, стационар ва тиббиёт марказларида ҳам қўлланилишини таъминлайди.

Диссертациянинг **“Болаларда назорат ва бронхопневмония гуруҳларида ўпканинг морфологик ўзгаришларини миқдорий ва қиёсий баҳолаш”** номли 4 бобида аутопсия натижалари бўйича болаларда меъёрга ва пневмонияда ўпка тўқимасининг қиёсий морфометрик таҳлиliga бағишланган. Тадқиқотнинг мақсади яллиғланиш жараёни билан кечадиган хужайра ва тўқима тузилмаларидаги миқдорий ўзгаришларни аниқлаш, шунингдек, касалликнинг салбий оқибатини башорат қилиш учун уларнинг аҳамиятини баҳолашдан иборат.


Ушбу бобда ўпканинг морфологик тузилмалари, шу жумладан биринчи ва иккинчи типдаги алвеолоцитлар, бронхиолалар ва қон томир элементларининг морфометрик хусусиятларини баҳолаш билан тизимли таҳлил тақдим этилган (2, 3-расм). Ўпка тўқимасини морфометрик ўрганиш жараёнида биз респиратор бўлимнинг асосий таркибий элементларини, шу жумладан нафас йўллариининг терминал тузилмаларини, I ва II типдаги алвеолоцитларни, шунингдек альвеоляр қопламанинг хужайра ва тўқима компонентларини таҳлил қилдик. Миқдорий таҳлил, бизнинг фикримизча, ўпка паренхимасининг меъёрдаги морфофункционал ҳолатини объектив тавсифлаш имконини берди.

Алвеолалар юзаси биринчи ва иккинчи тартибдаги алвеолоцитлар билан қопланган. I типдаги алвеолоцитлар ўзига хос ясси шаклга эга бўлиб, алвеолалар юзасининг катта қисмини эгаллайди. Морфометрик таҳлил уларнинг ўртача ядро

майдони 18.58 ± 5.34 мкм², цитоплазма майдони 48.24 ± 8.62 мкм², умумий майдони 66.82 ± 9.67 мкм² ни ташкил этганлигини кўрсатди.



2-расм. Ўпка тўқимаси альвеолаларининг асосий тузилмалари меъёрида. а - I тип альвеолоцитлар, б - II тип альвеолоцитлар, с - альвеоляр макрофаглар. ГЭ. Кат. $\times 40$.




3-расм. Ўпка тўқимаси альвеолоцитларининг морфометрик таҳлили меъёрида. а - I типдаги альвеолоцитлар, б - II типдаги альвеолоцитлар. QuPath 5.0.0. Оптик зичликлар йиғиндисиди. Кат. $\times 40$.


II типдаги альвеолоцитлар асосан альвеолаларнинг бурчакларида жойлашади, йирик ўлчамлари ва кубсимон шакли билан ажралиб туради. Бу хужайралар сурфактант синтезида иштирок этгани ва секретор функцияни бажаргани учун, бизнинг фикримизча, патологик ўзгаришларга энг сезгир ҳисобланади. II тип альвеолоцитлар ядросининг ўртача майдони бизнинг кузатувларимиз бўйича $26,25 \pm 6,18$ мкм², цитоплазма майдони $100,3 \pm 52,42$ мкм², хужайранинг умумий майдони $126,55 \pm 44,67$ мкм² ни ташкил этди.

